Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 16 май • шанба

№ 80 (10.329). Баҳоси 1 сўм.

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ:

УМИДБАХШ МУЗОКАРАЛАР

15 май куни Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви очилди. Унда МДҲга аъзо бўлган барча мустақил республикаларнинг делегациялари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов учрашувни очар экан, олий даражадаги кенгаш арафасида умуман учрашув бўлишига шубҳа билдирилганлигини таъкидлади. Лекин биз бир стол атрофида ўтирибмиз, бу эса ҳар бир раҳбарнинг муштарак масалаларини ҳал этиш учун биргаликда куч сарфлаш зарурлигини чуқур англашидан далолат беради.

Ўзбекистон бошлиғи Тошкент учрашувининг ҳар бир қатнашчиси биз ҳозир нақадар қийин даврни бошимиздан кечираётганимизни яхши билади, деб таъкидлади. Тўпланганларнинг ҳаммаси Иттифоқнинг парчаланиши оқибатларини яхши англайдилар. Ҳар бир республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши чоғида, уларнинг бозор иқтисодиёти изига ўтиши пайтида катта муаммолар пайдо бўлмоқда. Миллий этник қарама-қарши туриш муаммолари ҳаммани ташвишга солмоқда, иқтисодий, молиявий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ қийинчиликлар ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳозирги пайтда қуролли кучлар, ҳамдўстлик хавфсизлиги энг муҳим масаладир. Масъулиятли сиёсатчилардан бирортаси ҳам инсоний ҳуқуқлар ҳолатига, демократия қоидаларини янада ривожлантиришга, фуқаролар эркинлиги ҳимоя этилишини таъминлашга бефарқ қарай олмайди.

Шу масалаларда ҳар бир мустақил давлат ўзи учун мақбул йўлни излаётганлиги тушунарли, деди И. Каримов. Республикалар мустақиллиги қарор топиши жадал жараёни давом этмоқда. Шу билан бир пайтда тарихий таркиб топган сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ва соф инсоний алоқаларни менсимасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўзаро алоқалар ва кўп томонлама мулоқот тажрибаси халқларни бойитади. Одамларнинг турмуш яхшиланишига умиди, албатта, ҳақиқатга айланади.

Тошкент МДҲ раҳбарлари учрашув жойи этиб танланганлиги тасодиф эмас. Тошкент ҳамиша тинчлик шаҳри сифатида яхши ном чиқарган. Европа ва Осиё йўллари серқатнов чорраҳасида жойлашган бу шаҳар халқаро ҳамкорлик марказларидан бири сифатида ном чиқарган. Бизнинг учрашувимиз маълум маънода тарихга яхши тотувликнинг яна бир нишонаси сифатида кирса ажаб эмас, деди Ўзбекистон Президенти.



Кенгаш пайти.

Р. Жуманиёзов ва Р. Шагаев олган сурат. (ЎзА).

И. Каримов учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси халқи номидан табриклади. У Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевни кенгашга раислик қилувчи этиб сайлашни таклиф қилди. Бу таклифни учрашувнинг барча қатнашчилари маъқулладилар.

Кун тартибига 13 та жуда муҳим масала киритилган. Уларнинг орасида энг муҳимлари — мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида молиявий аҳвол ва бу соҳадаги ҳамкорлик, ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш, космик ёрдамчи тузилмалари иншоотларидан космик дастурларни бажариш манфаатлари йўлида фойдаланиш ва уларни сақлаб туриш тартиби, шунингдек ягона бюджетни шакллантириш ва чегара қўшинларини пул билан таъминлаш тартиби, собиқ СССР қуролли кучларини қисқартириш, айрим давлатлар миллий валюталарини жорий этган тақдирда ҳамдўстлик қатнашчилари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, коллектив хавфсизлик, мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ҳарбий кузатувчилар гуруҳлари ҳамда тинчликни сақлаш коллектив кучларининг мақоми масалаларидир.

Бундан ташқари собиқ СССРнинг даромадлари, қарзлари ва мол-мулки тўғрисидаги, собиқ СССР билан АҚШнинг оддий қурол-яроғларга доир шартномаси ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси бошланишидан олдин учрашув қатнашчилари Тожикистон халқи номига телеграмма матнини қабул қилдилар. Унда мустақил республиканинг бир қанча районларида юз берган табиий офат муносабати билан ҳамдардлик билдирилган. Кучли жала қуйиши, сел оқими натижасида кўп одамлар ҳалок бўлган, иморатлар вайрон бўлган. Телеграммада табиий офатдан зарар кўрган районларга ҳамдўстлик мамлакатлари ҳар томонлама ёрдам бериши таъкидланади.

Олий даражадаги Тошкент учрашуви қандай ўтди? Учрашувда ҳозир бўлган экспертларнинг фикрича, у Олмаота, Минск ва Киев учрашувларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Биринчи навбатда учрашув қатнашчиларининг келажакка ишончи билан ажралиб туради. Иш жўшқин давом этди ва тушгача ҳужжатларнинг катта қисми келишиб олинди ҳамда имзолашга тайёр қилинди. Бу эса раҳбарлар келишидан анча олдин Тошкентда иш бошлаган эксперт гуруҳларининг самарали фаолиятидан дарак беради.

Кутилганидек, собиқ СССРнинг мол-мулкини тақсимлаш жуда қийин масала бўлиб чиқди. Бу хусусда ҳар бир делегациянинг ўз фикри бор эди. Шундай бўлиши қонунийдир. Раислик қилувчининг таклифига биноан бу муаммони муҳокама қилиш қолдирилди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕЛЕГАЦИЯЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

● МДҲ мустақил республикаларининг расмий делегациялари олий даражадаги Тошкент учрашувида қатнашиш учун 14 май куни Ўзбекистон пойтахтига келди.

Россия Президенти Б. Ельцин Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда ҳозирги учрашув тўпланиб қолган кўпгина муаммоларни ҳал этишга имкон беради, мустақил давлатлар ўртасида самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очади, деб умид билдирди.

— МДҲ тугаган эмас, — деб таъкидлади Россия Президенти, у ривожланмоқда. Ўрта Осиё минтақасидаги республикалар билан анъанавий ўзаро муносабатларимиз ҳамиша дўстона бўлган. Муносабатларнинг ана шу даражасини сира йўқотмаслик, аксинча уларни ҳар томонлама ривожлантириш зарур.

Б. Ельцин оммавий-ахборот воситалари вакилларининг айрим республикалар раҳбарлари нима учун Ўзбекистон пойтахтига келмади, деган саволларига жавобан бунинг объектив сабаблари борлигини, бинобарин, вазиятни чигаллаштирмаслик кераклигини таъкидлади.

— Тошкентда бир қанча муҳим муаммоларни ҳал қилишимиз лозим, — деди Беларусь Олий Кенгашнинг Раиси С. Шушкевич. — Биринчи навбатда иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишимиз, узилиб қолган алоқаларни тиклашимиз зарур.

Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, космик тадқиқотлар дастурлари билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб, бу соҳада МДҲ барча республикаларининг мустаҳкам ҳамкорлиги зарурлигини таъкидлади.

— Менимча, энг муҳими коллектив хавфсизлик тўғрисидаги ҳужжатни қабул қилишдир, — деди Н. Назарбоев. Армиямиз билан тажриба ўтказишни тўхтатадиган пайт келди. Шунингдек биз МДҲ ягона ахборот маконини маъқуллаймиз. Бу масала Тошкентда ҳал этилади, деб ўйлайман.

Тошкент аэропортида мустақил давлатлар расмий делегацияларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов, Олий Кенгаш Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

УМИДБАХШ МУЗОКАРАЛАР

(Боши 1-бетда).

Икки мустақил давлат раҳбарлари Тошкент учрашувига бундай баҳо бердилар.

Б. Ельцин, Россия Президенти:

— Бу учрашувда мустақил республикалар ўртасида бир-бирларига яқинлашиш сари яна бир қадам қўйилишига ишончим комил. Бундан ташқари биз Тошкентга Россия билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани олиб келдик. Бундай шартномани имзолаш зарурати аллақачон етилган. Уни имзолаш кечикканлиги учун айб кўпроқ Россия зиммасига тушади. Яқин вақт ичида бу муҳим ҳужжат имзоланади, деб умид қиламан. Россия билан Ўзбекистонни асрий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари боғлаб турибди. Бундан буён ҳам муносабатларимиз ўзаро манфаатдорлик негизида ривожланишига шубҳа йўқ.

Н. Назарбоев, Қозоғистон Президенти:

— МДҲ раҳбарларининг Тошкент учрашуви кўп жиҳатдан бурилиш нуқтасидир. Бу ерда ҳамдўстлигимизнинг ҳаётий муҳим масалалари ҳал қилинмоқда. Бу армияни пул билан таъминлаш, ягона ахборот макони, космос муаммоларидир. Бойқўнур космодроми Қозоғистон ҳудудида бўлишига қарамай, у ҳамдўстлигимиздаги барча давлатларнинг манфаатларига хизмат қилиши керак.

...Учрашувда кутилмаган ҳодисалар ҳам бўлди. Мажлис қизғин ўтаётган бир пайтда, давлат бошлиқлари кенгашаётган залда бирдан қандиллар тебрана бошлади. Раҳбарлар ҳайрон бўлиб қолишди. Шу пайт И. Каримов ўзини жуда хотиржам тутиб, бундай деди: «Бу кучсиз зилзила, холос. Биз, ишлаётган бино зилзилага бардошли. Ишни давом эттирамиз!».

Бинобарин иш давом эттирилди. Тушга яқин ҳукумат бошлиқлари давлат бошлиқларидан алоҳида равишда кенгаш ўтказдилар. Улар ҳарбий мавзуга, иқтисодий алоқалар ва экологияга таалуқли масалаларнинг бутун бир мажмуини муҳокама қилдилар. Уларнинг эътибори Орол, Чернобиль, Каспий ва Спитаг муаммоларига қаратилган эди.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида учрашув чоғида келишиб олинган ҳужжатлар имзоланди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
В. ДРАЧЕВ,
Л. ЛЕВИН,
Ў. МИРЗАЕРОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ислом КАРИМОВ:

«МДҲНИНГ ТУГАШИ ҲАҚИДАГИ ОВОЗАЛАР ҲАҚИҚАТГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ!»

МДҲ раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви арафасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан учрашув ўтказди.

Суҳбат бошида республика Президенти ўз нуқтаи назарини қисқача баён этиб берди ва МДҲ раҳбарларининг Тошкентда бўладиган учрашуви ҳақидаги фикрларни айтди. Гўё МДҲ тугади, деган фикр нотўғри бўлиб чиқди. Бугина эмас, келаётган делегацияларнинг умидворлик кайфияти, мустақил давлатлардан келган мутахассислар жиддий иш олиб борганликлари Ўзбекистон пойтахтида истиқболни кўзловчи муҳим ҳужжатлар албатта қабул этилишидан дарак беради.

Ўзбекистон раҳбари МДҲга кирувчи барча республикаларнинг делегациялари Тошкентга етиб келадилар, деб таъкидлади. Украина делегациясига Бош вазир В. Фокин бошчилик қилади, Президент Л. Кравчук эса Қрим масаласи муҳокама қилинаётган Олий Кенгаш сессиясида қатнашади. А. Ақаевга келганда, шуни айтиш керакки, Киев учрашуви вақтидаёқ унинг Хитойга ташриф буюриши маълум эди. Хуллас, баъзи раҳбарлар Тошкент учрашувини менсимаслиги ҳақидаги гапсўзлар уйдирмадан бошқа нарса эмас.

Бу галги учрашув Олмаота, Минск ва Киевдаги учрашувлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Учрашув арафасида Тошкентда Мустақил Республикаларнинг ташқи ишлар вазирлари йиғилдилар, ҳарбий маҳкамаларнинг вакиллари фаол ишлаб туришибди. Шу туфайли аввал мўлжалланган сал кам 50 та масаладан учрашув кун тартибига ўн бешта энг муҳим масалани киритиш мумкин бўлди. Ана шуларнинг ҳаммаси 15 майгача эксперт-лар обдон тайёргарлик кўрганликларидан далолат беради.

МДҲ ва хорижий мамлакатларнинг журналистларини кўпдан-кўп масалалар қизиқтирди. Бу масалаларни лўнда қилиб шундай ифодалаш мумкин: мусулмон мамлакатлари раҳбарларининг Ашгабат учрашуви Тошкент учрашувининг боришига таъсир қиладими? Афғонистондаги сиёсий ўзгаришлар, Тожикистондаги ўзаро кураш Ўрта Осиё минтақасида қандай фикрлар уйғотди? Миллий армиялар тузиладими, ягона сўм (рубль) маконининг истиқболлари қандай бўлади?..

И. Каримов Ашгабатдаги учрашувга тўхталиб, жуда қисқа гапирди. Унинг МДҲ раҳбарлари учрашувига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб таъкидлади Президент. У ерда минтақа мамлакатлари ўртасида янада мустаҳкам ҳамкорлик қилиш муаммолари муҳокама этилди. Афғонистондаги воқеалар Ўрта Осиё республикаларидаги ишларнинг аҳволига таъсир этмай қолмаслиги табиий. «Аммо менинг фикрим равшан, — деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. — Тожикистон — Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган мустақил республика. Бинобарин, у ерда Афғонистон устунлик қилишига йўл қўйиб бўлмайди. Мустақиллик ва демократик ислоҳотлар йўлига ўтган Ўзбекистон эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олди, бу йўл дунёвий, маърифатли бошқарувга асосланади. Шу сабабли биз учун Туркиянинг иқтисодий модели жозибадордир».

Журналистлар Тожикистоннинг Ленинобод вилояти гўёки Ўзбекистон Республикаси таркибига ўтиш ниятида деб тарқатилган мишмишларга Президентнинг муносабати қандайлигига қизиқдилар. «Бу масалада мен Ўш воқеалари пайтидаёқ фикримни аниқ айтган эдим, — деб таъкидлади И. А. Каримов. — Биз ҳудудларнинг бўлинмаслиги тарафдоримиз. Қўшни мустақил давлатларда ватандошларимизнинг қандай яшаётганлигига биз бефарқ қараб тура олмаймиз, албатта. Лекин ҳамма муаммоларни сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этиш мумкин ва лозим».

Ҳарбий масала 15 май куни делегациялар муҳокамасига қўйиладиган асосий масалалардан биридир. Армия қандай бўлиши керак, уни ким пул билан таъминлайди? Бу хусусда И. Каримов НАТО каби тузилма тарафдори эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон, жумладан, 25—30 минг кишилик ўз армиясига эга бўлиш ниятидадир. Табиийки, бу армия республика бюджетидан пул билан таъминланади. Стратегия кучлари тўғрисида гапирганда эса, улар МДҲ бирлашган қуролли кучлари қўмондонлигига қарашли бўлиши лозим. Бунда Россия каби қудратли республика чегаралар хавфсизлигининг, ҳудудлар яхлитлигининг кафили бўлиши керак. Бу муаммога ҳар бир делегация ўзича ёндошади, албатта. Лекин мен ҳамма учун мақбул бўладиган дастур ишлаб чиқилишига ишонаман.

И. Каримов МДҲда ягона сўм маконига тўхталиб, тўпланганлар эътиборини Россия ҳукуматининг тутаётган йўлига қаратди. Россия кўпинча бозор иқтисодиётига ўтишга доир ислоҳотларни ҳамдўстликдаги бошқа республикалар манфаатларини ҳисобга олмай амалга оширмоқда. Мустақил республикалар ўз валютасини жорий этиш эҳтимоли йўқ эмаслигини таъкидлади у. Лекин бу жараён узоқ давом этадиган қийин жараёндир. Мисол учун Болтиқбўйи мамлакатларини олиб кўрайлик. Улар ўз валюталарини аллақачон босмадан чиқариб тайёрлаб қўйишган. Лекин ўз валютасига ўтишга шошилишмаяпти. Чунки бу сўзсиз равишда молиявий бошбошдоқлик ва иқтисодий бўхронга олиб боради. Бу масалани ҳар томонлама пухта ўйлаб аниқ ишлаб чиқиш зарур.

Аввало иккита муҳим масалани ҳал қилиш зарур. Бу — МДҲ ягона банк тизимини барпо этиш ва ҳамдўстлик даражасида пул босиб чиқаришдир. Ҳозирча бу ишда Россия монополиячи бўлиб турибди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Президентининг ягона ахборот маконига муносабати билан қизиқдилар. Бу муаммога ўз муносабатини Президент бундай баён қилди: демократик мамлакатда одамлар турли оммавий ахборот воситаларидан фойдалана оладилар. Ягона ахборот макони зарур. Бироқ ўнлаб миллион одамлар ҳаётидаги шу қийин даврда журналистларга талаб мислсиз даражада ошади. Улар воқеалар ва ҳодисаларни холисона ёритишлари, субъективизмдан бутунлай холи бўлишлари керак.

Олмаотадаги учрашувда Россия Президенти Б. Ельцин МДҲ республикалари ўртасидаги чегаралар «очиқлигича» қолади, деган эди. Афсуски, ҳаёт ўз тузатишларини киритмоқда. Молларни олиб чиқиб кетиш учун янги ижозатномалар, рухсатномалар пайдо бўлмоқда. Бундай ҳолларда нима қилиш керак?

Бозор иқтисодиёти изига ўтиш, ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик мавжуд тўсиқларни олиб ташлаши мумкин, деб таъкидлади И. Каримов. Шундай даврга биз албатта борамиз. Бунга эришиш учун МДҲ раҳбарлари мумкин қадар тез-тез учрашиб туришлари, ўнлаб миллионлаб кишилар манфаатларига дахлли муаммоларни олий даражада ҳал этишлари зарур.

Ўзбекистон Президенти умидбахш кайфиятда бўлишига қарамай, оммавий ахборот воситалари эътиборини айрим муаммоларга қаратдики, эҳтимол Тошкентда уларнинг ҳал этилишига эришиб бўлмас. Собиқ СССР мулкини тақсимлаш ва ҳамдўстлик қуролли кучларини пул билан таъминлаш ана шундай масалалардандир. Бу хусусда катта баҳс бўлиши кутилмоқда.

Учрашув қатнашчиларининг фикрича, И. Каримов барча саволларга рўй-рост, ошкора жавоб қилди, бу эса журналистларнинг муносабатида акс этди. 15 май журналистлар учун ҳам, МДҲ давлат бошлиқлари қатнашчилари учун ҳам қизғин иш куни бўлади.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

ОҚҚЎРҒОН ХАБАРЛАРИ

● «МАДАНИЯТ» жамоа хўжалигининг деҳқонлари экишни биринчилар қатори тугаллаган эдилар. Ғўза қатор ораларига ишлов беришни ҳам барвақт бошладилар. Айни кунларда далаларда 18 та трактор ишлаяпти ва ғўза қатор оралари юмшатилиб, қатқалоқ йўқотилмоқда. Бу иш, айниқса, Қаюмжон Дадабоев бошлиқ бригадада уюшқоқлик билан бораётир.

Ҳар куни хўжалик далаларида 18 та культиватор ишлаяпти ва 180—200 гектар майдондаги қатқалоқ юмшатилаётир. Ноҳиядаги «Мустақил Ўзбекистон» номли жамоа хўжалигининг Ҳабил Тўрахўжаев, Муҳаммад Суюнов, Очил Умаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

●

● ШУ ХЎЖАЛИКНИНГ пиллакорлари ҳам ғаниматфурсатни қўлдан бой бермай меҳнат қилаётирлар. Улар жами бўлиб 8 минг 500 килограмм қимматбаҳо хом ашё етказиб беришга аҳд қилишган. Шаҳодат Ғаниева, Майсара Эргашева, Ҳалима Абдураҳмонова ва Ўғилой Тўрахўжаева ўртоқлар ҳар йили 350—400 килограммдан пилла топширишади. Бу йил ҳам пилладан юқори ҳосил олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Хоналар ҳароратини мўътадил сақлаш, вақтивақти билан шамоллатиб туришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Хўжаликда пиллакорларга барг етказиб берувчи махсус бригада ишлаб турибди. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли хонадонларга барг ўз вақтида етказиб берилаётир.

П. ЭРГАШЕВ.

ҲОСИЛ ЕТИЛДИ

АЙНИ кунларда ёғингарчилик кучайиб, жалага айланиб сел ёққанлиги, шунингдек, дайди совуқ етказган баъзи бир зиёнларни ҳисобга олмаганда, умуман, бу йилги об-ҳаво сабзавотчилар учун қулай келди, дейиш мумкин. Тадбиркорлар бу имкониятдан оқилона фойдаланмоқдалар. Тошкент ноҳиясидаги Тўлабий номидаги жамоа хўжалигида ҳам бу соҳада яхши ишлар қилинмоқда. Ҳозиргача 70 гектар майдонга помидор кўчати ўтказилиб, парвариш ишлари кучайтирилди. Гектаридан режадаги 26 тонна ўрнига 30 тонна ҳосил олишни кўзда тутмоқдалар.

Хўжаликнинг ҳамма жамоаларида ҳам ишлар қизғин бораётир. Эргаш Раҳмонов бошлиқ бригадада 6 гектар ерга карам экилган эди. Ҳозир ҳосил етилди. Бунга ишбилармонлик туфайли эришилди. Кузда ер маҳаллий ўғитга тўлдирилди. Кўчат саралаб экилди. Бегона ўтлардан ҳоли қилинди.

Деҳқон тер тўкса, ер ҳам саховатини аямайди, деб бежиз айтишмаган. Хўжаликда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Т. ДУСОНОВ.

МДҲ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўтган йил охирида (1991 йил 8 декабрь) Минск шаҳрида вужудга келди. Бу ерда Ҳамдўстликни тузиш тўғрисидаги ҳужжат-битим имзоланган эди.

«Биз, Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, 1922 йилда Иттифоқ шартномасини имзолаган ССР Иттифоқи таъсисчилари бўлган давлатлар сифатида шуни қайд қиламизки, ССР Иттифоқи халқаро ҳуқуқ субъекти ва жўғрофий-сиёсий реаллик сифатида яшашини тўхтатади», дейилганди ана шу битимнинг муқаддимасида.

Уч давлат раҳбарлари халқларнинг тарихий муштараклигига асосланиб, улар ўртасидаги таркиб топган алоқалар асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга интилиб ва бир-бирларининг мустақиллигини ўзаро эътироф этиш ва ҳурмат қилиш асосида ўз муносабатларини ривожлантириш, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида ўз муносабатларини ривожлантириш мақсадида ана шу қадамни қўйдилар. Томонлар БМТ Устави мақсадлари ва принципларига, Хельсинки Якунловчи ҳужжатига содиқликларини тасдиқлаб, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро нормаларга риоя қилиш мажбуриятини олдилар, ўз фуқароларига уларнинг миллатидан қатъий назар тенг ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатладилар, миллий озчиликни ташкил қилувчи халқларнинг маданий, тил ва диний соҳадаги ўзига хос хусусиятларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга кўмаклашишга ваъда бердилар.

Халқлар ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида сиёсат, иқтисодиёт, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, савдо, атроф муҳит ва бошқа соҳаларда махсус битимлар тузишга келишиб олинди.

Ҳамдўстлик аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда, ҳарбий харажатлар ва қуролларни қисқартириш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш ниятини изҳор қилдилар. Улар ядро қуролини тугатиш, халқаро назорат остида тўла қуролсизланишга интиладилар. Айни вақтда томонлар бир-бирларининг ядросиз зона ва нейтрал давлат мақомига эришиш йўлидаги қийинчиликларини ҳурматлайдилар.

Дастлабки ҳужжатлар бўйича умумий ҳарбий-стратегик маконда Бирлашган қўмондонликни сақлаш, ядро қуроли устидан ягона назорат ўрнатишга қарор қилинган эди.

МДҲ аъзоларининг биргаликдаги фаолият соҳасига томонлар қуйидагиларни киритдилар:

— ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштириш;

— умумий иқтисодий маконни тузиш ва ривожлантириш;

— Европа ва Европа-Осиё бозори;

— бож иммиграция сиёсати;

— транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш;

— атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизлик;

— уюшган жиноятчиликка қарши кураш.

Илгари ССР Иттифоқи томонидан имзоланган шартномалар ва битимлардан келиб чиқувчи халқаро мажбуриятларни бажариш кафолатланди.

Битим собиқ СССРнинг барча аъзолари, шунингдек ҳужжат мақсадлари ва қоидаларига қўшилган бошқа давлатлар қўшилиши учун очиқ қилиб қўйилди. Ҳамдўстликнинг Мувофиқлаштирувчи органларининг расмий жойи сифатида Минск шаҳри танланди.

Ҳамдўстлик тарафдорлари сони аста кўпая борди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини қўллаб-қувватладилар.

Ашгабатда бўлган учрашув қатнашчилари ҳамдўстлик аъзолари бўлишга тайёр эканликларини эълон қилдилар, лекин бир шартни — таъсисчилар тенг ҳуқуқлиги принципини талаб қилдилар. Ашгабатдаги учрашув қатнашчилари давлат бошлиқларининг Қўшма баёнотини имзоладилар. Бу учрашув якунлари мамлакатда ва жаҳонда мамнуният билан қарши олинди. Ўша кунлари матбуотда тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат — Мустақил давлатлар давлат бошлиқларининг баёноти эълон қилинди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилганлиги тўғри бўлганлиги, демократлаштириш боши берк кўчага кириб қолганлиги сабабли бошқа йўл қолмаганлиги, марказнинг узоқни кўра билмаслик сиёсати ҳамма нарсани тўла барбод бўлишига олиб келганлиги таъкидланган.

Кейин воқеалар қандай ривожланиб, муаммо қандай ҳал этилиши Олмаотада бўладиган учрашувга боғлиқ бўлиб қолди. Бу учрашувни бутун жаҳон сабрсизлик билан кутди. Бу ерга 300 дан ортиқ совет ва 120 дан ортиқ чет эллик мухбирлар келган эди. М. С. Горбачев учрашув қатнашчиларига Европа ва Осиё Давлатлари Ҳамдўстлиги — ЕОДҲни тузишни таклиф қилди, у учрашув қатнашчиларига ёзган хатида Иттифоқ тузилмасининг бошқа шаклини сақлаб қолишга умид қилиб, бундан кейин Президент бўлиб қолмоқчи эканлигини билдирди.

Олмаотада давлатлар бошлиқлари ва ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашлари, шунингдек мудофаа кенгаши тузилди. Уларга мустақил давлатлар раҳбарлари кирди. Ҳамдўстликнинг ишчи органлари ва ваколатли органлари ташкил қилинди.

Шундай қилиб, 1991 йил 21 декабрда (СССР ташкил топганлигининг 70 йиллигига бир йилу тўққиз кун етмай) қуйидаги тарихий ҳужжатлар якдиллик билан қабул қилинди:

1. МДҲ декларацияси. Уни собиқ Иттифоқнинг 11 республикаси раҳбарлари имзоладилар.

2. Ҳарбий-стратегик маконда бирлашган қўмондонликни ва ядро қуроли устидан назоратни сақлаш тўғрисида МДҲ бошлиқлари протоколи.

3. Собиқ Иттифоқ ўрнига БМТда Россиянинг аъзолиги тўғрисида МДҲ давлатлари бошлиқлари Кенгашининг қарори.

4. МДҲ мувофиқлаштирувчи ташкилотлари тўғрисида битим.

5. Ядро қуролига нисбатан биргаликдаги тадбирлар тўғрисида битим.

6. Уч давлат томонидан Минскда 1991 йил 8 декабрда имзоланган МДҲ битимига қўшимча протокол.

Шундай қилиб, Олмаотада 11 та мустақил давлат ҳамдўстлиги вужудга келди. Ҳамдўстлик Иттифоқ аъзолари учун ҳам, хоҳлаган бошқа давлатлар учун ҳам очиқ қилиб қўйилди.

МДҲнинг биринчи ҳужжати демократик ҳуқуқий давлат тузишнинг энг муҳим муаммоларига бағишланган бўлиб, «Олмаота декларацияси» деб аталади.

Декларацияда ҳамдўстликнинг ҳозирги ҳамма аъзолари номи тўлиқ келтирилган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги барча қатнашчиларининг розилиги билан собиқ ССР Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг, шунингдек ҳамдўстлик мақсадлари ва қоидаларига шерик бўладиган бошқа давлатларнинг унга қўшилиши учун очиқдир.

Бу ҳужжатда МДҲга таъриф берилган. Ҳамдўстлик давлат ҳам эмас, давлатлар устидан турадиган тузилма ҳам эмас. У мустақил давлатлар иттифоқи, суверен давлатлар ҳамдўстлигидир.

Декларацияда умумий иқтисодий маконни, умумевропа ва Европа-Осиё бозорларини вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади.

Ўз навбатида ҳамдўстлик қатнашчилари бўлган мустақил давлатлар ўз конституцияларидаги тартиб-қоидаларга биноан собиқ ССР Иттифоқининг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига кафолат берадилар.

Яна бир ҳужжат — ядро қуроли соҳасида биргаликда кўриладиган чора тадбирлар тўғрисида Битим имзоланди. Унга МДҲ аъзоларининг фақат тўрт раҳбари қўл қўйди. Бу давлатлар Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина бўлиб, «қатнашчи давлатлар» деб юритилади.

Ҳамдўстлик давлатларининг умумий манфаатлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ҳамдўстликнинг олий органи — «давлат бошлиқлари Кенгаши», шунингдек «ҳукумат бошлиқлари Кенгаши» тузилди.

МДҲ 21 декабрь куни Декларациядан ташқари иккита битим ва битта протокол қабул қилди. МДҲ давлатлари бошлиқлари Кенгаши эса битта қарор қабул қилиб, битта протоколни расмийлаштирди.

Олмаотада томонлар қуролли кучларни ислоҳ қилиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунича Қуролли Кучларга қўмондонлик қилишни маршал Е. И. Шапошниковга топшириш ҳақида келишиб олдилар.

МДҲ аъзоларининг учинчи учрашуви 1991 йил 30 декабрда Минск шаҳрида бўлди. Бу ерда давлатлар бошлиқлари 9 та ҳужжатни имзоладилар:

1. МДҲ давлат бошлиқларининг Кенгаши ва ҳукумат бошлиқларининг Кенгаши тўғрисидаги мувақкат битим;

2. МДҲда қатнашувчи давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Қуролли Кучлар ва чегара қўшинлари тўғрисидаги битими;

5. МДҲ давлатлари бошлиқларининг собиқ ССР Иттифоқининг чет эллардаги мол-мулки тўғрисидаги битими;

6. Мустақил Давлатлар бошлиқлари кенгашининг Орол муаммоларига оид, шунингдек Спитакдаги зилзила оқибатларини тугатиш муаммоларига оид махсус битим тайёрлаш хусусидаги протоколи;

7. Мустақил давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Каспий денгизи балиқ ресурсларини сақлаб қолишга оид махсус битим тайёрлаш тўғрисидаги протоколи;

8. Мустақил давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш юзасидан 1992 йилда бажарилиши лозим бўлган тадбирлар, бу тадбирларни пул билан таъминлаш тартиби ва ҳажми хусусидаги протоколи;

9. МДҲга аъзо бўлган давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашларининг Ҳамдўстликдаги давлатлар бошлиқлари Кенгашини ва ҳукуматлар бошлиқлари Кенгашини ташкилий-техникавий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда ўтказиш учун иш гуруҳининг номи, тузилиши ва пул билан таъминлаш манбалари хусусидаги протоколи.

Тўртинчи ва бешинчи учрашув 8 февралда Москвада ва 14 февралда Минскда бўлиб ўтди. Бу учрашувларда Европа ҳамжамиятига ўхшаш ягона қудратли марказни сақлашга асосий эътибор қаратилди. Бироқ армия ҳар бир республикада бўлади. Минскда қуйидаги ҳужжатлар муҳокама қилинди:

— ягона ҳарбий бюджетни ташкил қилиш тўғрисида;

— мудофаа масалалари бўйича суверен давлатлар олий органларининг ваколатлари тўғрисида;

— МДҲ Қуролли Кучлари Бош қўмондонлиги тўғрисидаги Низом;

— армия фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги битим. Кенгашда МДҲ 11 аъзосидан саккиз нафари ягона Қуролли Кучлар бўлсин, деган фикрга қўшилдилар. Украина, Озарбайжон, Молдова, икки йилдан кейин Беларусь ўз армиясини ташкил қилади. Қолган етти аъзо бирлашадилар ва МДҲ мудофаа Вазирлар Кенгашини тузадилар. Темирйўлчилар кенгаши, Энергетика кенгаши ҳам ташкил қилинади.

20 март куни Украина пойтахти Киевда навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Мажлисни Украина президенти Леонид Кравчук очди. У умидбахшликка асос йўқлигини — МДҲ мамлакатлари жуда оғир даврни бошидан кечираётганликларини таъкидлаб ўтди. Яқинлашиш ўрнига бир қатор минтақаларда ҳақиқий уруш бошланиб кетди, иқтисодиёт жар ёқасидагина эмас, балки жар ичига тушиб қолди. Халқлар МДҲ йирик ҳарбий, сиёсий ёки хўжалик масалаларидан ақалли биттасини ҳал қилиши тўғрисидаги умид кундан-кун сусайиб бормоқда, бинобарин бизнинг учрашувимиз бурилиш нуқтаси бўлиб қолмас экан, МДҲга ниқобдан бошқача қараш мумкин эмас,— деб айтди. Ана шу кайфият билан ў делегациялар келишувига кўра раислик вазифасини Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга топширди ва навбатдаги учрашув Тошкентда бўлади, деб умид билдирди.

Киевдаги мажлиснинг кун тартиби бир неча туркум масалаларни қамраб олган эди. Тахмин қилинганидек, ҳарбий қурилиш мавзуи иқтисодий муаммоларга қараганда раҳбарларнинг кўпроқ фикрини чўлғаб олди. Кунниг биринчи ярмида мудофаа масалалари бўйича МДҲ собиқ органларининг вакокатлари тўғрисида, ўтиш даврида Бирлашган Қуролли Кучларнинг мақоми тўғрисида келишиб олинди, МДҲ давлат чегарасини қўриқлаш тўғрисида, МДҲ доирасида тинчликни қўллаб-қувватлаш учун кузатувчилар гуруҳини тузиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Давлат бошлиқларининг Киев учрашувида муҳокама қилинган масалаларнинг 17 таси бўйича битимга келишилди.

Давом этаётган иқтисодий бўҳрон шароитида мувофиқлаштирувчи иқтисодий орган зарур. Собиқ совет республикаларидаги иқтисодий ва сиёсий аҳвол ҳамон ноаниқ бўлиб турипти. Янги давлатлар иложи борича тезроқ ўз қуролли кучларини тузишга уринмоқдалар, ҳозироқ ўз вазирликларини ташкил қилдилар, тезроқ халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга интилмоқдалар. Биргина Ўзбекистоннинг ўзи 30 дан ортиқ чет эл давлатлари билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Янги мустақил давлатларнинг президентлари ҳорижга ботбот сафар қилиб, бўлажак ҳамкорлик тўғрисида протоколлар имзоламоқдалар. Лекин буларнинг ҳаммаси уларнинг ўзаро алоқалари аҳамиятини сусайтирмайди. Ишларни самарали мувофиқлаштириш учун Европа ҳамжамиятининг Брюссель комиссиясига ўхшаш доимий ишловчи марказий орган тузиш зарурга ўхшайди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги янги иқтисодий муносабатлар энди-энди ўнгланиш босқичида турипти. Кеча Тошкентдаги навбатдаги учрашувда ҳам талайгина масала муҳокама қилиниши кутилган эди. Кеча ана шу тарихий учрашув бошланди.

МДҲ барча давлатлари бошлиқлари ўз фаолиятларида энг аввало ўз халқлари манфаатларига амал қилсалар, шахсий гина-кудурат ҳамда нафсониятларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб ишласалар тотувликка эришишлари мумкинлиги кўриниб турипти.

М. ФАЙЗИЕВ,
профессор.

• Истибдод қурбонлари •

ЯҚИН-яқингача шоир, адиб ва олим Абдурауф Абдураҳим ўғли — Фитратнинг номи тор доирадаги кишиларга — асосан мутахассисларга маълум эди. Жумҳуриятимизда эсаётган ҳаётбахш шабадалар, истиқлолнинг қўлга киритилиши муносабати билан тажовузкор тузум ва унинг ёвуз мафкураси қурбони бўлган халқимизнинг асил фарзандлари ҳақидаги бор ҳақиқат энди-энди юзага қалқиб чиқмоқда. Бу ҳақиқат бундан 30-40 йил олдин ошкор этилиши жоиз эди. Афсуски илм-фандаги нохолислик, ўринсиз тазйиқ, ўз халқини асоратга тушишидан манфаатдор кимсаларнинг «жасорати» билан Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғози Юнус, Элбек, Пўлатхўжа Усмонхўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Муҳаммад Саид Аҳрорий сингари ноҳақ қурбон бўлган кишилар фаолияти кеч бўлсада юзага чиқмоқда.

Профессор Фитрат ана шу сиймолар safida туриб, ўтмишни ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий тадқиқ қилиб, ўзбек халқига ўзлигини танитган, истиқлол йўлини қўрсатган улуғ файласуф, шоир, драматург, юрти учун қурбон бўлган шахсан аълодир.

Тарих инсон ўзини худодек тута олмаслигини, мафкураси, сиёсий тузумларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар одамлар табиатнинг бир зарраси эканини қўрсатди. Зулм ва харомхўрлик табиатнинг адолат тарозисининг посангисини бузиб, инсонлар бошига қатта кулфат тушишини намойиш қилди.

Бу мушоҳадалар адиб Фитратнинг ижодида турли шакл ва мазмунда кўринадики, буни қуйида эътиборингизга имконимиз даражасида ҳавола этишга журъат қилдик.

Сирожиддин АҲМАД

Ватан учун ўтказилган

АБДУРАУФ ФИТРАТ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БИР НАЗАР

МАФКУРАСИ

ФИТРАТнинг Туркияга кетгунча бўлган даврдаги мафкураси анъанавий ислом маданияти ва Туркистондаги барча мадрасалар учун умумий бўлган форс шеърияти, тасаввуф, араб, хусусан, ислом тарихи ва мафкураси заминида шакилланди. Аммо Туркияга бориб келган ҳамюртлари, Исмоилбек Гаспрли таъсири остида дунёқараши яхшигина ўсади, Бухоро жадидлари ёрдамида оламфаҳми ўзгариб Туркияга ўқишга кетади.

Бу даврда Туркияда турли ҳаракатлар пайдо бўлиб, куч олган, айниқса, ёшлар орасида миллий фахрни тиклаш, ватанчилик ғояси кучли тараққий этганди. Камол Отатурк сўзи билан айтганда, барча туркларнинг эътибори «Туркларнинг ватан севгисида тўлиқ бўлган кўнсилари душманларнинг малъун эҳтиросларига қарши доимо темирдан бир девор каби юксалажак»лигига қаратилган эди. Фитрат ҳам шу ғоялар билан суғорилди. Унинг ўзи шу давр фаолияти, қарашлари ҳақида шундай деганди: «...Туркияга таҳсил учун бордим. Мана шу вақтларда мен диний реформа тарафдори эдим: динни фан билан келиштириш, фанга тўғри келмайтурғон хурофот қисмини диндан чиқариш, динни тозалаш ҳаёлларига ишонган эдим.

... Панисломизмнинг бўлмағур ҳаёл эканини англагач, пантуркизм ҳаёлига бериилдим. Бу вақтларда ёзганим асарларда диний реформистик фиқрлар кўрилиб турадир».

Фитрат инсон — жамият—қисматни тадқиқ этиб, турли мафкуралар чангалидан чиқолмайди эмас, чиқади. Аммо қалбидаги кучли ватан туйғуси уни большавойлар билан муроса қилишга мажбур қилади. Ўзи истаган, яъни инсонларга тўла эркинлик берадиган мафкурани топа олмайди, аммо инсонни ўз эрки учун курашишга астойдил чорлайди. У зулмнинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлди; у ёниб шундай дейди:

Меннинг ўйимни хароб қилган зулмидир,
Меннинг юрагимни кабоб қилган зулмидир.

Афсуски, шоир умрининг сўнгги кунларигача зулмдан қутула олмади. Аммо Ватан, Туркистон халқлари манфаати учун ишлашдан бир дақиқа чекинмади. Зеро, у буюк Муҳаммад Абдуҳнинг мамлакат ва халқларнинг қолоқлигига дин эмас, мустамлакачилар айбдор, «Озодликсиз ватан бўлмас» деган ҳикматларини онгига сингдирган эди.

Фитратнинг онги ҳам қалбида ватанчилик руҳи қатъий ўрин олувида буюк туркшоирлари Номиқ Камол (1840—1888), Абдулҳақ Ҳомид (1852—1937), Зиё Кўкалп, буюк олим Фуат Кўпирлузодаларнинг ижоди катта аҳамият касб этганлигини эътироф этиш лозим. Шу боис у умрининг сўнгги кунларигача ватанчилик мафкурасига содиқ қолди.

АМАЛЛАРИ ВА ШАҲОДАТИ

АБДУРАУФ Фитрат Туркиядан қайтгач, Бухорининг турли туманларида ўқитувчилик қилади. Эл орасида жаҳдчилик-тараққийпарварлик ғояларини тарғиб этади. «Ёш бухоролилар» ҳаракатида фаол иштирок этади, уларнинг бош мафкурачиси, ғоявий йўлбошчиларидан бирига айланади. 1915 йилдан эътиборан сўл жадидларга бошчилик қилади.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг амирликда ҳам ижтимоий-маърифий ислоҳотлар ўтказишга уринган бўлди. Бу тадбирни «Ёш бухоролилар» ўтказишга интилиб кўрдилар. Аммо мутаассиб диндорлар қурғовида бўлган ва табиатан мутараддид амир Олимхон ваъдасида тарқалди, ислоҳот амалга ошмайди, «Ёш бухоролилар» партиясининг сарқитоби Фитрат, хазиначи Усмонхўжаев муваққат ҳукумат ва ички русия мусулмонларидан мадад олиш мақсадида Петроградга юборилади. Лекин махсус комиссия келаётгани туфайли улар Оренбургдан орқага қайтадилар. Кутилган мақсадлар амалга ошмайди. У Самарқандга кўчиб ўтади, Чунки Бухорода яшаш хавфли эди. Адиб 1917 йил 15 апрелдан 1918 йил март ойигача Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода ҳаражатни ва раҳбарлигида чиқиб турган «Ҳуррият» газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди.

1917 йил сентябрь-ноябрь ойларида Қўқон шаҳрида Туркистон Мухториятя эълон қилинди (расман 13 декабрь, мавлуди шариф куни). Бу ҳақда Фитрат: «Мен Самарқанд томонидан вакил бўлиб сайланганим ҳолда, Қўқонга бормадим... Бутун Туркистон миллатчиларининг ғазабини кетлириб машқур Колесов воқеасига аралашдим. Бухоро амирига бериилган ультиматум матнинг қаламим билан ёзилди», дейди.

Маълумки, Ф. И. Колесов ва унинг босқинчи шериклари Бухорони эгаллаш ниятида эдилар. Аввал чор ҳукуматининг, кейин вақтли ҳукуматнинг маккор ҳуфия ходими Миллер бир томондан амир, иккинчи томондан жадидларни ўз қарсагига ўйнатиб турган эди. 1918 йил март ойидаги большевикларнинг Фитрат даъвати баҳонасидаги салб юришни кучли зарбага учрайди. Улар аранг ҳалокат панжасидан қутуладилар. Адиб «Колесов маглубиятидан сўнг Самарқандда туролмай, Тошкентга бордим», дейди. Деман, Фитрат Тошкентга 1918 йил июнь ойида келган деб таҳмин қилиш мумкин. Унинг «Онда большевиклар томонидан чиқарилган «Интиқромон» газетасига хизмат қилдим», деган сўзлари шундай демоқда асос беради. Чунки «Интиқромон» газетаси ўша йил 21 июндан чиқа бошлаган бўлиб, унинг биринчи муҳаррири Фитратнинг фирқадош дўсти Усмонхўжа Пўлатхўжаев эди. Бинобарин у ҳамфикр дўсти билан бирга ишлаган. Газетанинг 1919—1920 йилларидаги сонларида Фитрат асарларининг тез-тез кўзга ташланиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

1919 йилда Тошкентда Бухоро компартиясига ташкил топиб, ўзининг биринчи қурултойини ўтказади. Фитрат шу қурултойда фирқа Марказий Қўмитасига сайланади. 1919—1920 йилларда Тошкентдаги Афғонистон сафоратхонаси (ваколатхона)да таржимонлик қилади. Шу йили ўзбек тили, адабиёти ва тарихини жамоатчилик асосида ўрганувчи мутахассисларнинг ихтиёрий уюшмаси — «Чиғатой гурунги»ни ўша давр ҳукумат идораларининг расмий рухсати билан ташкил этади. «Тонг» мажалласини таъсис этади. «Мия ўзгармагунча, бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!» «Яшасин Шарқ қутулиши!» ҳикмати гурунг ва мажалланинг шиори ва мақсади эди. Бу мажалланинг уч сони (1920 йил 9 апрелдан — 1920 йил 15 апрелгача) чиққач тўхтатилди. Ушбу ойномада Мирмулла Шермуҳаммад, Ғози Юнус, Чўлпон, Фитрат, Л. Оқбердин, Н. Тўрақулов, Қ. Рамазон, Элбек, Боту каби адиблар тўпланган эдилар. У «Чиғатой гурунги» мажалласи билан баробар расмий бўйруқ билан сабабсиз ёпилди.

1921—1922 йилларда Бухоро жумҳуриятида ташқи ишлар, маориф ноғзири, жумҳуриятмеҳнат ва мудофаа шўроси раисининг муовини (1923) лавозимларида ишлади. Лекин Фитрат ва унинг сафдошлари фаолияти Масковни қонитирмади. Шу жиҳатдан филология фанлари номзоди, Фитрат ижодининг жонкуяри Ҳамидулла Болтабоев тоғган бир ҳужжат эътиборга молик. 1923 йил 12 июнда «Бухоро масаласига доир» қабул қилинган тарихий қарорни амалга ошириш учун ўлкага РКП(б)МК секретари Я. Е. Рудзутак етиб келади ва у Пленумдаги нутқида шундай дейди: «Бу ерда меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига ҳар донм ҳам риоя қилинмаётганлиги тўғрисида бизда муайян шикоятлар бор... савдогарлар ушбу давлат маблағидан 75 фоиз қарз олгаилар, ваҳоланки, кооперация ва деҳқонларга шу маблағнинг 25 фоизи берилган. Бу ҳол партиямиз МКни Бухоро ҳукумати таркибига киритган эътибор билан кўз ташлашга мажбур этди, чунки энг кўзга кўринган кишилар устига, масалан Маориф ноғзири Фитрат устига қўйилаётган айблар ошкор бўлиб қолди, у маориф ишлари билан шуғулланиш ўрнига тоғ йўл қуриш билан шуғулланган... Партиямиз МК шуларга асосан ушбу хулосага келдики, Бухоро ҳукуматининг таркибини соғломлаштирмоқ учун Фитрат, Аминов, Ота Хўжаев, Сатторхўжаев, Ёқубзодаларни ҳукумат таркибидан чиқариб, Бухородан бадарга қилиш зарур», «Фитрат Русияга чақириб олингани муносабати билан ўрнига Қайғисиз Отабоев тайинлансин!»

Мазкур «тозалаш» ишида ГПУ вакили Г. Агабеков, Г. Ордженикидзе иштирок этган. Сўнггиси «Умуман нима учун буларнинг барчасини коммунист деб ҳисобланган», деб ажабланган эди.

Мустақил жумҳуриятнинг ишига аралашишми ёки неомустамлакачилик?.. Бизнингча, бу энг аёвдий ёвузликдир. Инсонни қуруқ туҳмат билан ишдан четлатиштириш, ёш жумҳуриятни пароканда қилиш — дақиқатнинг ўзгинаси, буюк рус шовинизмининг кўпол ўралган зоҳири жилохини қисмаси эди бу. Бунда Бухоро да «фаолият» кўрсатган татар фирқа аъзоларининг ҳам холис хизмати йўқ эмас. Қувванга учраган Фитрат 1924—1925 йилларда Масковдаги Лазарев номидаги институтда ишлайди. Ленинград университети эса ноҳақ ишдан «озод» қилинган адиб-олимга тасалли учун профессор унвонини беради. 1926 йил бошларида Фитрат Самарқандга келади. Бу вақтда Бухоро, Хоразм, Туркистон жумҳуриятлари бирлаштирилиб, уларнинг қонуний ерлари ноқонуний тузилган жумҳуриятларга ноқонуний тарзда улашилган эди. Келажакда қардош халқлар ўртасида низо чиқариш учун қилинган иблисона иш кўзи очиқ одамлар учун маълум эди. Буни сезган Фитрат сиёсий ишлардан ўзини мутлақо четга тортади ва илмий фаолиятга бериилди. У қайтиб келган кундан бошлаб Самарқанд педакадемиясида, сўнг 1937 йил 23 апрель ўроқ ва болга иккинжисига олингунча тил ва адабиёт институтида ишлайди.

1921 йил майда Тошкент Эски шаҳар ижроия қўмитасининг фармои билан у «Меҳнат қаҳрамони» деб эълон қилинди.

1937 йилнинг машъум 5 октябрида «учлик»нинг ҳукми билан зўрлаб ўлдирилди, шаҳиди аъло бўлди.

Фитрат Туркиядаги турли оқим ва сиёсий ҳаракатлар билан танишади. Туркчилик ғоясига берилади. Бу ғояни ўзбек тилидаги адабий-бадиий асарларида ифодалашга ҳаракат қилади.

У Ватан деганда фақат Бухоронн эмас, балки уч хонликка бўлиниб кетган тарихий Туркистон ўлкасини ядрони эътиди. Худо ҳақи, пайғамбар ҳақи мусулмонларни бирлаштириб, Темур ва Абдуллахон давлати шавкатини тиклаш масаласини кўзди. Халойиқни Ватани боскинчилардан озод қилишга чақиради. Чин маъноси билан ватанпараст бўлади. Бу ғўзал фазилат ва ажойиб бурчни диёрга ёзди. Унинг фикр маолиеси бутун Туркистон бўйлаб тез тарқалади ва қувват олади. Файзулла Хўжаев «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир» асарида «... чор подшоси ва амирнинг иккиёқлама зулми жадидизмни маданият тарқатиш билан шуғулланиш йўлидан сиёсий йўлга бориб юборди.

Мажкуд тузумни қаттиқ танқид қилган, унинг барча камчиликларини аёвсиз очиб ташлаган, амирликнинг чириқ системасини фош қилиб берган ва биз айтиб ўтган иқтиболларнинг бир қисмини жуда ўз вақтида (1909 йилдан 1915 йилгача бўлган вақт ичида) пайдо бўлди. Бунга мисол қилиб Фитратнинг «Сайёҳи ҳиндий», «Сайҳа» асарларини, шеърлар тўпламини, «Онда» ва бир неча пьесаларини («Бегижон» пьесасини) кўрсатиб ўтмоқ керак», — деган эди. Бу сўзлар ҳам юқоридаги фикрни тўлдиради.

1905 йилги рус инқилоби, 1907 йилдаги Эрон ва Туркиядаги инқилоблар, 1917 йил февраль инқилоби Фитрат дунёқарашида ўзгариш ясайди, Демократик руҳдаги хонлик ўрнатиш фикридан воз кечиб, демократик парламентга асосланиб иш кўрадиган ҳуқуқий давлат тарафдорига айланади. Аммо мустамлакан жадида (неоколонализм) асосчилари ва ижрочилари Ленин, Бухарин, Сталин, Фрунзе, Орженикидзе, Рудзутак, Эйнава тавқисида остида маҳфуза ва давлат тузуми мутлақо кутилмаган томонга йўналиш олади. Шоирлар, семиз ва ютқа кетоблардга жар солингган социализм ўша давридаёқ ўзининг ҳақиқий афт-ангорини кўрсатади-қўяди. Шу боис марказдан келган Г. Сафаров ўзи бош қўшган инқилобни мустамлака инқилоби деб тан олишга мажбур бўлади ва бу хулосасини Ўрта Осиё халқларига ошкора қиладн. Нахотки Фитрат ана шу сиёсий ўта муҳим бир чиқишдан хабарсиз бўлса? Йўқ, у тўлиқ хабардор, эди. Шунинг учун ҳам у иккинчи фаолият — илмий-ижодий изланишни баробар олиб боради. Аммо Бухоро Халқ жумҳуриятида ишлар экан Масковнинг найрангини тезда англамаган, очиғи, бунчалик маккорлик ва қабиҳликни кутмаган эди.

Фитрат инсон — жамият—қисматни тадқиқ этиб, турли мафкуралар чангалидан чиқолмайди эмас, чиқади. Аммо қалбидаги кучли ватан туйғуси уни большавойлар билан муроса қилишга мажбур қилади. Ўзи истаган, яъни инсонларга тўла эркинлик берадиган мафкурани топа олмайди, аммо инсонни ўз эрки учун курашишга астойдил чорлайди. У зулмнинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлди; у ёниб шундай дейди:

Меннинг ўйимни хароб қилган зулмидир,
Меннинг юрагимни кабоб қилган зулмидир.

Афсуски, шоир умрининг сўнгги кунларигача зулмдан қутула олмади. Аммо Ватан, Туркистон халқлари манфаати учун ишлашдан бир дақиқа чекинмади. Зеро, у буюк Муҳаммад Абдуҳнинг мамлакат ва халқларнинг қолоқлигига дин эмас, мустамлакачилар айбдор, «Озодликсиз ватан бўлмас» деган ҳикматларини онгига сингдирган эди.

Фитратнинг онги ҳам қалбида ватанчилик руҳи қатъий ўрин олувида буюк туркшоирлари Номиқ Камол (1840—1888), Абдулҳақ Ҳомид (1852—1937), Зиё Кўкалп, буюк олим Фуат Кўпирлузодаларнинг ижоди катта аҳамият касб этганлигини эътироф этиш лозим. Шу боис у умрининг сўнгги кунларигача ватанчилик мафкурасига содиқ қолди.

МУНГЛИ САДОЛАР

АДИБ Истамбулга ўқишга боришдан аввал ҳам ижод билан шуғулланган. Неъматулла Муҳтарам «Тазкират ушшуаро» асарида Фитрат «Мижмар» (уд ўсимлиги қуйдириладиган чўғдон) таҳаллусини қўлганини айтади.

Шоир форс тилида битилган «Сайҳа» («Наъра») номли илк тўпламини 1908 йилда Истамбулда нашр этган. Афсуски бу тўплам қўлимизга тушмади. Ундан парчалар босган «Садоби Туркистон» жаридасининг ўша сони ҳам йиртиб олинган. Лекин Ҳамид Олимжон унинг мазкур асаридан олинган икки шеъри мисол тарақасида ўзининг танқидий мақоласида келтиради. Биринчи шеър: «Эй мадраса, эй шуми-ай Эй мачит ва минбар!» сатри билан, иккинчиси: «Эй Бухоро султонларининг вайрон бўлган қабрлари» деб бошланади.

Бу икки шеърнинг мазмунга қараганда, шоир бухоролик знёлиларни, хусусан, дин аҳлини ҳаётга жиддийроқ қарашга, халқ ва мамлакат тақдирини ўйлашга, ижтимоий-сиёсий, маърифий ислоҳотга чорловчи аччиқ ҳақиқатни айтиб, унга ўзи чидай олмай тортилган наърага ўхшайди. Бинобарин «Сайҳа» сўзининг луғовий маъноси ҳам «наъра тортиш», «ўкириқ»ни англатади.

Шоир шеъриятидаги ижтимоий урғулар доимо дард ва мунг билан суғорилган бўлади. Адибнинг ўзи ҳам «Мунг»ига катта маъно юклайди. У эски турк ва жоҳилия даври араб шеъриятидаги ишқ ва мунг, фалсафа-қиқматга қучли эътибор берган. Жуньладан, у шундай ёзади: «Турк эски адабиёт мадрасасида севги ва ишдан бошқа фалсафа — ҳикмат ва ахлоқдан ҳам кўп нарсалар бор экан». «...Шунинг учундир ким: «вазн ва қофиясн» бўлган, турли маъносиз сўзларнинг шеърлигина ишонган сайин шеър ҳақиқатдан узоқлашиб қолдилар».

Фитрат шеърида «мунг» ва «таъсир»ни биринчи ўринга қўйгани учун ўзбекча шеърларида ҳам ижтимоий мазмунлар шу тушунчалар йўрғасида, бағрида бериилди.

Адиб «Вайрон бўлган қабрлар»да Оллоҳга мунозат қилиб, Абдуллахон ва Амир Темурни тирилтириб, парчаланиб кетган турк элини бирлаштириш масаласини кўтариб чиқади. Бу масала унинг бошқа шеърлари ва «Темур саганаси» (1917) бир пардали драмасида ҳам акс этган.

Истамбулга бориб, ёш турларнинг орасидаги турли ғоялар, сиёсий йўналишлар билан танишган, инглизларнинг Кичик Осиё, араб мамлакатлари, Эрон ва Ҳиндистондаги мустамлакачилик сиёсати ҳамда зулмидан огоҳ бўлган Фитрат учун чор Русиясининг аёвсиз мустабиду мутаассиблиги остида эзилиб, хўрланиб ётган мусулмон аҳли, жумладан, турк қавмининг интиқлоғга эришиш учун кураши муҳим аҳамиятга эга эди. Лекин бу ниятга Шарқни ғарб қутқуси, темир кишанларидан халос қилмагунча эришиб бўлмас эди. Шарқни кўтариш учун шарқлиларга кўзгу ва журъат керак эди. Журъат эса ҳар бир халқ ўз аҳволини адабиёт ва санъат кўзгусида кўриб нафрати кўзғолмагунча, синдириладиган гурури, сўндириладиган миллий фахри тикланмагунча уйғонмас эди. Ўзининг тақдирини ўйлаб, катта-катта бемаъни тўй-томошалар, маъракалар ўтказишга берилиб кетиб, билимдон, ватан, халқ у хизмат қиладиган кишиларни, фарзандларини етиштирмаган эл — рамақижондир. Бундай элни тирилтириш, оёққа қўйиш учун аввало халқнинг юрагида ўзи учун ишонч қўзғаш, авлодларнинг синиқ руҳини бир вақтлар Мусо алайҳиссалом ўз умматларининг авлод алмаштириб қурурини кўтаргандай қилиб, руҳини кўтариш — бутунлаш лозим эди. Шу боис шоир:

Олдимизни тўсган булут парчаси
Кучли бир ел қўргач, йиртилар,
Умид куни бизим учун ҳам туғар,
Қайғурмағил сира ей «Ҳақ» туйғуси!—
дейди.

Фитрат ўнинчи йиллардаёқ дин арбобларига юз тутиб, «Дин йўлида кўп ғайрат қилдингиз, Сизнинг тарафдорингиз қайда? Айтингиз, улар уруш майдонига чиқисилар!» деб жиҳоди акбарга чақирган эди. Аммо ғалаён, оммавий кўтарилишу инқилоб қутган томонда содир бўлмади. Русияда яҳудийлар ноғараси-ю буйруғига ўйнаган ва ўзини инқилобчи деб билган ўрис дарғазаблари томонидан давлат тўнтарилиши ясалди. 1917 йил Октябридан инсонят тарихида мустамлакачилик ва золимликнинг энг янги шакли пайдо бўлди. Буни инсониятнинг бошига тушган сел, дўл, бўрон, самум каби табиий офатгагина ўхшатиш мумкин. 1923 йилда Бухоро жумҳуриятидаги амалларидан мажбурий четлаштирилган, аввал Масковда ва Петроградда, сўнг Самарқанд — Тошкентда яшаб большавойларнинг ҳокими мутлақлиги остида амалга оширилаётган от-от, ос-ос, қама-қамаларни, махфий қузатувларни ўз кўзи билан кўриб Фитрат 1924 йилда ёзган «Қалдирғочларга» шеърида шундай ифодалаган:

Тўхта малагим — сени мен кўрай,
Шарқ гулларига — саломлар сўйлай,
Кўнлак истайлар.
Уч энди сен ҳам — Шарқ учун ўйла,
Кўнинг кўнглини — биргина сўраб,
Шарқ учун йиғла!

Фитрат Шарқ—ўзбек халқи учун йиғламасдан тура олмасди. Чунки 1924 йил январда Ленининг ўлган куни Тошкент эски шаҳар қисмида халқ бегона руҳ учун тиз чўктирилган эди. Бу далил адибни четлаб ўта олмас, адиб ҳам унга бефарқ қараёлмас эди.

Унутилмас адиб доимо Шарқ учун йиғлади. Бунга унинг «Шарқ сиёсати», «Шарқ» достони далил бўла олади. Шоир Шарқни жаннатга ўхшатади. Шундай жойни «Маданият деган ғарблик алвасти» босиб олгани учун ўкинади, қайғуради, ашоқ чекади. Золимларнинг зулмини аёвсиз фош этувчи қуйидаги манзаранн чизади:

Ўтлар аро ёниб турган қишлоқлар,
Хирмон бўлиб ётган ғаллалар жонсиз.
Оқмоқдадир қизил қондан ариқлар,
Тинч турган таланар омонсиз,
Тўрт-беш яшар болининг бошини,
Боқинг, кескин қилич билан кесмишлар,
Йиллаб турган онасининг бўйнига
Бир ип билан осмишлар!..
Янгигина келин бўлган бир қизнинг —
Кўкрагини, эри бўлган йигитнинг —
Жонсиз ётган ғаллаги узра қўйиб.
Найза билан тешмишлар!..
Хотиналарнинг пардаси,
Болаларнинг юраги,
Қариларнинг гавдаси,
Йиртилган,
Ерилган,
Эзилган!..

Фитрат бу мудҳиш манзарани, ваҳшийликни ичидан тўқилган эмас. Инглизларнинг ҳинд сипоҳийларини тўпга боғлаб отишини, 1919 йилда Байтқўрғонда арман дашноқлари ва ўрис мужиклари амалга оширган қиргин-баротларни, золим Фрунзенинг Будённийнинг босмачилиги, айниқса, Масковдан келган самолётларнинг Бухоро мадрасаларини вайрон қилиб, миразаб аскарлари аҳли муслимни таҳқир этганларини ўқиган, эшитган, кўргани учун ҳам 1922 йилда шу достонни ёзишга мажбур бўлган чамаси. Бироқ у ёруғ кунлар келишига қатъий ишонган, шу боис севгилисига «Умидсизча яшай олмам, нетайин!» деб хитоб қилган эди. Бу гирт мусулмонча ахлоқ намунасидир. Чунки Исломда фақат шайтонгина ноумиддир. Аммо чексиз ишонч ҳам гоҳ хира тортиб, гоҳ ёниб туради. Шоирда бундай онлар кўп бўлганга ўхшайди. Шу боис у қадрдонига:

Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар,
хўрликлар,
Сўйла юлдуз, сенинг доҳий қучоғингда
бўлурму?
Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар,
Ўрток қонин қонмай ичган зулуклар,
Қардош этин тўймай еган қонлонлар? —
дейди «Миррих юлдузига» шеърида.

Ана шу иккиюзлама ишбузарлар большевойлар эди. Улар адиб амалга оширмоқчи бўлган ислоҳотга қарши чиқдилар, Бухоро қон билан қўлга киритган эркни ўғирлаб, шаҳарни босқинчилик билан олдилар ва маҳв этдилар. Бу билан қонимай шоирнинг севимли рафиқасини ҳам тортиб олдилар. Унинг тақдирига думигажак биринчи нишони урди. Аммо шоир бунга аҳамият бермайди, фақат ёрига ялиниб-ёлвориди:

Кел, ғўзал диларим, ки сочингни
Бир тарай, бир ўнай-да, сўнгра ўлай...

Бироқ ёри ҳўлига Қурьон олиб, қайтмаслик ҳақида қасам ичган эди. Муҳтарам мутолаачилар билсинларким, шўрлик ёри — Фотимахонимнинг гуноҳи не экани, у турмушга мажбурий берилган иккинчи эри ҳам ундан зўрлаб тортиб олиниб хорижга махсус топшириқ билан жўнатиб юборилади. Бечора аёлнинг бева яшашдан ўзга чораси қолмайди.

Фитрат ғайриинсоний азобдор, бехуда сиёсатбозлик қурбони бўлишдан ўзини иҳота қилиб, замонасозлик қилишдан бошқа чораси қолмайди — «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қавлида яшайди. «Ўзқитувчилар юртиға», «Пахта теримидан» каби шеърларни ёзишга мажбур бўлади.

Пахтани «кумуш юлдуз»га ўхшатади, «Миялар доҳий Ленин, Сталин» номи билан қирқ шуъла билан ёритилиб қадам босилаётганини айтишга рози. Лекин ҳутилмаганда янги даврнинг, янги жоҳил кишисининг тимсолини чизади. Бир бемор теримчи ҳаво айнаганини кўриб, дам олайлик деб балога қолади. «Сосиализм қуриш учун, кўммунизм йўлинда юриш учун» «оқ олтин»ни теріб олиш керакликини гапириб, уни кўрлиқда, ҳатто ёвга айлантириб кўядилар. Ҳаводан қатъий назар нуқра ҳўлқарлар чарчашни билмай ҳосилнинг теріб олиниши иттифоқ учун зарурлиги ўқтирилади. Бу шеърни ўқиган одам гинч қурилиш даврида душман излаш қай йўсинда олиб борилганлиги, «Назир оғанинг ғазаби» шеърининг заминни кўради.

Бироқ Фитрат чин сўзини 20-йиллардаёқ айтиб қўйган эди. Келажак авлодга қараб у шундай деганди:

Тўрк эли, эй буюк эл, кўзинг оч,
Оч кўзинг, бир қара жаҳонга.
Кўкрагингда ёнар ўтларинг соч,
Қўйма золимлари Туронда.

* * *

Эл йўлини тўсиб турган эски булутларни
Ендириб қўй, йиртиб ташла, барчасин
йўқ эт!

Қила олмасанг шу ишларни
Сенинг учун хўрликдир бу!..

Шоир ижтимоий шеърлар билан бирга қатор рубобий-ашқий назмларни ҳам ёзган: «Бир оз «кул», «Нечун сезмагансен?», «Менинг кечам», «Ғўзалим, бевафо ғулистонким», «Яна ёндим», «Аччиғланманг, деган эдим», «Ишқимнинг тарихи», «Мунгли булбул», «Сўйла, гулим...» шеърлари фикримизга далил бўла олади. Ишқий шеърларда чин инсоний туйғулар, ошиқона ёниб-куйишлар, дард-ҳасратлар уфуриб туради. Ошиқ йигит бўлсада, унинг маҳбубаси ғўзал, ғўзал бўлганда ҳам барчани тонг қотирадиган гўзал. У — Ватандир! Адиб-ошиқ ватанг билан севгилисидек гаплашади, унинг узоқдан бўлса ҳам бир кулишидан, яъни ундан хабар олгани учун ўзини бахтиёр сезади. Бахти — ўрозининг юзига тортилган маъсум пардани шамол қора булутни ёйиргандек йиртиб ташлашини ўтинади, ўксиналаган тилагидай бахтсизликка учраган ошиқ танбур торларини юзли-юзли зирқираткиб чертгучидан «умидини қоплаб турган қора булут» йиртилишини сўрайди. Чунки замон золимлари уни «Тилаклариям, армонларим, шеъларим, Кўмилсунлар керакмаслар менга» деб ўзидан тонишга олиб борган эдилар. Лекин унинг руҳи ёлғиз маҳбуба — суюкли Ватан ҳаёлига тошиади, шу пароса унинг асраб тургувчи оби ҳаёт, дармондори, сеҳрли қудратдир. Зеро, «умидсизлик ҳаётга кириш ярасланган юракни» ичидан ўзга нарса даволай олмасди, ушлаб туролмасди. Бу ишқнинг ташҳиси «ЮРТ ҚАЙҒУСИ» эди...

«ЮРТ ҚАЙҒУСИ»

ОШИҚ Фитратнинг Ватан дарди билан яшагани 1917—1920 йилларда ёзган «Юрт қайғуси» номли туркум сочмаларида яқол кўринади. Ушбу сочмалар 1917 йили «Ҳуррият» (ва йил 28 июль, 18 август, 31 октябрь) ва «Бухоро ахбори» (1920 йил, 5 октябрь) жаридаларида чоп этилган.

Сочманинг биринчи қисмида шоир «Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси»га хитоб қилади. «Бир вақтлар дунёни титратган, ботир турларинг қани?» деб савол беради. Кетма-кет берилган саволларга ўзи жавоб беради: «Эски давлатинг, эски салтанатинг... ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмаммиздир.

Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... тарқалмиздир». Бу— афсусланиш ва ўтмишга маъюс назар ташлашдир.

«Бир ўзбек йигитнинг тилидан» деб аталувчи иккинчи қисмда ўзбек йигит Ватани — Туронни азобланган, ярасланган, қўллари зулм занжирлари билан боғланган, ипак кийимлари йиртилган аёл — Она ўрнида кўради. Шу боис туркларнинг муқаддас ўчоғини қайта ёниб, она-Ватанга кўмак бермоқчи, истиқлол учун жонни тикмоқда розн бўлади.

(Давоми бор).

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Душанба, 18. V

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инжиқ Мурод». Мультфильм.
18.20 «Қуёш қўшиғи». Болалар учун концерт.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Ҳуқуқий давлат сари».
19.40 «Маърифат масканлари». Халқаро музейлар кунига бағишланади.
20.15 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 5-қисм.
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шарқ дурдоналари».
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Ўзингни эр билсанг...».
21.05 «Даврамизга марҳабо».
21.45 «Лаҳза». Хабарлар.
21.55 «Интеграл». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 Мультфильмлар.
8.00 «Янги авлод танлайди».
8.55 «Инсон худди денгизга ўхшайди». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.15 «Малахит» рус халқ оркестри ижро этади.

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.

* * *

13.15 «Телемикст».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Бу бўлган, бўлганди».
14.40 «Тулпор, қурол ва эркин шамол». Телевизион бадиий фильм.
15.45 «Болалар мусиқий клуби».
16.30 «НЭП».

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Футбол шарҳи.
17.55 «Кулфат». Мультфильм.
18.10 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Маргарет Бурк-Уайт». Бадиий фильм.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 Халқ куйлари.
20.40 «Янги студия» таништиради: «Вазият», «АТВ-брокер», «Акс-садо», «Джемсейшн». Танаффус пайтида —(23.00) Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Итальян тили.
8.50 «Биринчи тайм».
9.05 «Пилигрим».
9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Авто».
10.05 «Пеликан» тадбири сатира театри ҳузурида меҳмонда.
11.05 «Нота-бене» студияси.
11.45 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 44-серия.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
16.15 «Менеджерлар мактаби».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Трансросэфир: «Урал-ТВ».
18.10 «Мансаб алифбоси».
18.25 «Россия билан юзма-юз».
18.40 Криминал хабарлар экрани.
18.50 «Сиз яратган боғ».
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 45-серия.
20.20 Кичик мусиқий кечалар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.10 Спорт хабарлари.
23.20 «Охири хайрли бўлсин деб».
00.15 «Формула-1» классида автопойга бўйича жаҳон чемпионати. Италиядан кўрсатилади.

Сешанба, 19. V

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Ака-ука Иброҳимовлар куйлайди.
7.55 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
9.25 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Турли нигоҳлар», «Ҳўтиқча бўлган экан». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга минг танга».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Инсон ва қонун» почтасидан.
19.55 «Спортлото».
20.00 «Ёзувчи ва замон».
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 6-қисм.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Пучуқвойлар». Фильм-концерт.
18.45 «Ҳар доим бўлсин қуёш!».
19.20 «Мусиқий меҳмонхона».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.30 Реклама. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Уйча». Мультфильм.
8.00 «Болалар мусиқий клуби».
8.45 «Инсон худди денгизга ўхшайди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.05 «ЖАР: талаба ва ҳамкорликнинг қийин йўли». Ҳужжатли фильм премьераси.
10.30 Футбол шарҳи.

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Доминикада ажралишлар қандай бошланди!» (Доминика).
11.35 Ритмик гимнастика.

* * *

13.55 «Ён дафтар».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Нафақат спорт ҳақида». К. Ваншенкин.
14.45 «Арафада». Телевизион бадиий фильм. 1-серия — «Елена».
16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Тушдаги тош». Мультфильм. 1 ва 2-серия-лар.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Халқ куйлари.
17.40 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Леди Гамильтон». Бадиий фильм (1941 й.).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Эспаньола» ансамбли чалади.
20.40 «Мавзу».
21.20 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.50 Хореографик композициялар.

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Лимпопо».
00.10 «Овозли йўлка». «ТВ-версия».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Француз тили. 1- йил шуғулланаётганлар учун.
7.50 «Ҳаёт кузи».
8.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
8.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
9.35 «Сиз яратган боғ».
10.05 «Мансаб алифбоси».
10.20 «Тилла шпора».
10.50 Уз ишининг усталари. «Алексей Рибников».
11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 45-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Простор».
15.45 «Рост» студияси.
16.15 «Ишбилармон аёл».
16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Трансросэфир. «Уфа-ТВ».
17.55 Мульти-пульти.
18.05 Криминал хабарлар.
18.20 «Россия билан юзма-юз».
18.35 «Умрда бир марта бўладиган учрашув». Нани Брегвадзе концерти.
19.15 «Ҳар бир кун байрам».
19.25 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 46-серия.
20.15 Театр сафари. «Биз шодон яшадик...». Елена Юнгер.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 Консерваториянинг Катта залида Россия билан Исроил ўртасида дипломатик муносабатлар тикланганига бағишланган кеча.

Чоршанба, 20. V

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Дилрабо концерт.
8.15 «Пушаймон». Бадиий фильм.
9.30 Араб тили.
10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.
10.40 «Оила».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Боғчамизнинг боғрида».
18.35 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ўтмиш ва келажак».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари».
19.40 «Сиҳат-саломатлик».
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Фармон ва ижро».
21.30 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 7-қисм.
22.50 «Умр ўтмоқдадур». Тўра Сулаймон.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 «Олтин бошоқ». Ҳужжатли фильм.
11.10 «Халқ куйларини қалбингда асра». Фильм-концерт.
11.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уч оғайни ботирлар».
12.40 «Арслоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Қизиқарли учрашувлар».
20.40 «Ишбилармонлар».
21.30 А. Адан. «Жизель». 2-кўриниш.
22.20 «02» тўлқинида.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 Мультфильмлар.
8.20 Болалар учун спектакль. «Йўқолсин, бодринг қироли».
9.40 «Иркутск этюдлари». Телефильм премьераси. «Шаҳарлар ва одамлар» туркумидан.
10.00 Олег Майзенберг концерти (Австрия).

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».

* * *

13.10 «Ён дафтар».
13.15 «Телемикст».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Портрет». Телефильм.
14.45 «Арафада». Телевизион бадиий фильм. 2-серия—«Инсаров».
16.00 «Рок-макс». «Небворт-90».

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Фил билан юриш». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
17.35 «Қора қути».
18.15 «Максима».
18.45 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Уч кўр сичқон». Бадиий фильм. «Саракин» сериясидан.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 «Ҳаммамиз тенгкамиз». Е. Петросян иштирокида эстрада спектаклининг премьераси.
22.15 «Беш плюс».

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 «Моторлар оламида».
00.10 Пляж волейболи бўйича халқаро турнир. Серебряний Бордан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 «Дрезден. Уч саҳифа». Телефильм.
7.30 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан ёнма-ён».
8.15 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
8.45 «Рост» студияси.
9.15 «Правда» ва Ямское поле кўчалари бурчагида. «Рус маданияти: йилдан йилга».
9.30 «К-2» таништиради: «Бизнинг йил» кўрсатуви ҳамда А. Градскийнинг «Қайта қуришга қаратилган блюз» фильм-концерти.
11.55 «Оқ қарға».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.15 Янгиликлар.
14.30 Театр сафари. «Театр ўйинлари» (Саратов).
15.30 Христианлар учун кўрсатув.
16.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.15 Трансросэфир: «Узоқ Шарқ». Телекўрсатув.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Версия».
17.40 «Асил ҳолича».
18.35 «Ҳар бир кун байрам».
18.45 «Изқувар». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 Спорт хабарлари.
21.30 Экспертиза.
21.45 А. Д. Сахаров хотирасига бағишланган кўрсатув.
22.45 Парламент хабарномаси.

Пайшанба, 21. V

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.25 Уш мусиқий театри якка-хонлари — Самида Холматова ва Ҳамидулла Матхолиқовлар концерти.
7.50 «Икки соҳил». Бадиий фильм.
9.05 Турк тили.
9.35 «Ҳўжа Насриддиннинг 41 пашшаси». Жумҳуриат қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.25 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичик дўстларнинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Мерос». Бобораҳим Машраб. Шоир таваллудининг 350 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Мерос» кўрсатувининг давоми.
22.20 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 8-қисм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 «Адиба Шарипова чалади». Фильм-концерт.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учқун».
11.50 «Арслоннинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бутун ҳаёт давомида». Телефильм.
18.50 «Билим сарчашмаси».
19.25 Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Л. Михайлова ҳузурида.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.40 «Пульс». Хабарлар.
21.50 Реклама. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 Мультфильмлар.
8.00 «Ҳаммамиз тенгкамиз». Е. Петросян иштирокида эстрада спектакли.
9.55 «Очиқ эшиклар шаҳри». Илмий-оммабоп фильм премьераси (Екатеринбург).
10.35 Камчатка камер оркестри ижро этади.

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.

* * *

13.10 «Ён дафтар».
13.15 «Телемикст».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Бугун ва ўша пайтларда».
14.50 «Хамелеон». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Тушдаги тош». Мультфильм. 3 ва 4-серия-лар.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Елғиз». Мультфильм.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.10 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Гувоҳ кўзи билан». Бадиий фильм.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Барча даврлар кишиси». Бадиий-публицистик фильм премьераси. Машҳур олим ва жамоат арбоби академик А. Д. Сахаров ҳақида. («Контакт-фильм» студияси ҳамда Англиянинг «РПТА» студияси).
21.20 «Останкино» хит-паради.
22.35 Катталар учун мультфильмлар: «Шижовткор қуён», «Тулки-қурувчи».
22.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 Эфирда мусиқа. «Сайланмалар».
00.20 Кикбоксинг. Профессионаллар ўртасида жаҳон чемпионати. «Олимпийский» спорт комплексидан кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
7.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
8.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
8.35 «Асил ҳолича».
9.30 А. Д. Сахаров хотирасига бағишланган кўрсатув.
10.30 Кундузги сеанс. «Джинжер ва Фред». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Янгиликлар.
15.10 «Болалик орзулари». Кўп серияли фильм премьераси. 3-серия.
15.30 Вариацияли мавзу.
16.10 «Жаҳон бозорининг калити».
16.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.40 «Россия ва дунё».
18.10 «Россия билан юзма-юз».
18.25 «Экспомарказ» таништиради...».
18.40 «Нота-бене» студияси.
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 Махсус тижорат хабарномаси.
19.40 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 47-серия.
20.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Мактаб: кеча, бугун, ҳеч қачон?». Россия ўқитувчилари тайёргарлиги кўраётган иш ташлашга бағишланган кўрсатув.
22.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.00 «Бешинчи ғилдирак». Бадиий-публицистик кўрсатув.

Жума, 22. V

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Тошкент вилояти Бекобод тумани «Зафар» ансамблининг концерти.
7.50 «Оналар ва қизлар». Бадиий фильм.
9.30 «Бойчечак» куйлаганда.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ёшлик» оқшоми.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Замин саховати».
19.45 «Ёдгома». Зиё Саид.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Қарши гулдастаси». Мусиқий кўрсатув.
21.55 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 9-қисм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

17.05 «Тегирмон», «Мақом дарахти», «Туйдук». Ҳужжатли фильмлар.
17.35 Туркманистон товар биржаси таклиф этади.
18.30 «Иқтисодиёт ва ҳаёт» (рус тилида).
19.15 «Ёшлар ижоди». Композитор Ашир Абдиллаев.
19.50 «Анна пенди».
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 «Кичкинтойлар, сизлар учун».
20.25 Эълонлар.
20.30 Кулги кечаси.
21.00 «Ватан». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.00 «Жангга фақат «қариялар» боришади». Бадиий фильм.
23.25 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

5.00 «Тонг».
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Тилла оқу». Мультфильм».
8.05 Болалар учун фильм. «Набиралар учун қўшиқлар».
9.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.55 «Ҳайём рубоийлари» Фильм-балет.

*

11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
12.15 Чолғу ансамбли чалади.
12.30 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Ўрмондаги соялар». Илмий-оммабоп фильм.
13.15 «Ён дафтар».
13.20 «Бридж».
13.45 «Бизнес-класс».

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Саҳнанинг орқа томонида. Табассум билан». К. Лучко.
14.45 «Хамелеон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.50 «Янгиланган Европада газ бўйича ҳамжамият». Ҳужжатли фильм.
16.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Тушдаги тош». Мультфильм. 5 ва 6-сериялар.

*

17.00 Янгиликлар.
17.20 «Инсон ва қонун».
18.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Шунчаки оддий бир қиз». Бадиий фильм. «Қўнғир айиқнинг тўйи». Мультфильм.
18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 Ҳужжатли фильм.
20.45 «ВИД» таништиради: «Ток-шоу», «Музобоз», «АнтиСПИД», «Шоу-биржа», «Обоз» майдончаси». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
00.30 Тунги эфирда—«Тонг юлдузи».

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.20 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
9.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. «Оила альбоми» (АҚШ).
9.35 Кечки салон.
12.15 «Нилуфар». Телефильм.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Биринчи тайм».
15.30 Фольклор. «Жаҳонга машҳур қишлоқ».
16.15 «Простор».
15.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви.
17.00 Хабарлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 «Ҳали англанмаган коинот».
18.10 «М-трест».
18.25 Криминал хабарлар экрани.
18.35 «Оқ қарға».
19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «Параллеллар».
20.00 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
20.30 Парламент хабарномаси.
20.50 Спорт хабарлари.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 «Маски-шоу».
21.45 «Виктор Крохиннинг иккинчи уриниши». Бадиий фильм.
23.20 «АРТ-обстрел».

Шанба, 23. V

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Чет эллик қиз». Бадиий фильм.
9.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
10.10 «Бунёдкор».
10.45 «Маданий меросимиз — умумхалқ бойлигимиз». Кинокўрсатув.
11.45 «Қалбдан тасаввур этамиз». Телефильм.
12.25 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Дийдор» (қозоқ тилида).
13.10 Уста Олим Комилов хотирасига бағишлаб ўтказилган Урта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ёш доирачилар танлови ғолибларининг концерти.

* * *

18.00 «Болалик чоғларимда». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
19.40 Ўзбекистоон халқ артисти Отажон Худойшукуровнинг янги қўшиқлари.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Тижорат хабарлари.
21.05 «Кино ва киноҳақиқат».
22.15 Пиримқул Қодиров. «Бобур». Видеофильм. 10-қисм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

9.00 «Келинг дўстлашайлик», «Дадавой ва будильник». Мультфильмлар.
9.20 «Мақом». Фильм-концерт.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
10.20 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

17.00 Янгиликлар.
17.05 «Лямзи-тири-бонди — баджаҳл сеҳргар». Мультфильм.
17.15 «Офицерлар вальси». Бадиий фильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Туркин тууралуу сөз».
19.30 «Дарахт ва унинг япроқлари». Телефильм-концерт.
20,00 «Кутмандуу кеч, Бишкек».
20.30 «Ала-Тоо».
20.50 «Айтиш». Оқинларнинг республика телетанлови.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Бочка». Мультфильм.
7.50 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
8.20 «Тиббиёт сен учун».
9.00 «Марказ».
9.45 «Ҳамдўстлик».
11.00 Мусиқа анталогияси. С. Рахманинов. Паганини мавзуларига рапсодия.
11.25 «Сиз бунга қодирсиз».
12.05 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Кислота ёмғири». Ҳужжатли фильм.

*

13.00 Янгиликлар.
13.20 Кўрсатувлар тартиби.
13.25 «Хоним омад».
14.25 «Қизил империя». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-фильм — «Ўтмиш бандилари».
15.25 «Китобхона».
16.15 Давлат академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Е. Светланов.
16.20 «Қизил квадрат».
17.00 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Чангалзорлар китоби». Бадиий фильм.
18.45 «Театр+ТВ». А. Калягининг 50 йиллигига.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 «Останкино» телекомпанияси «Сентрал телевижн» (Англия) кўрсатувларини таништиради. «Бедарак йўқолган». Бадиий фильм. «Инспектор Морс» сериясидан.
22.10 И. Кальман асарларидан концерт.

*

23.00 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар тартиби.
23.40 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Япония — МДҲ терма командалари. Японияда кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Чашмалар. «Знаменск минораси ва унда яшовчилар».
8.00 Баскетбол шарҳи.
8.30 «Ухшаш дунёлар».
9.15 «Севги изҳори».
9.30 «03» кўрсатуви. Телевизион саломатлик хизмати.
10.00 Рус тили. Славян ёзувлари ва маданияти кунига.
10.30 «Бурда моден» таклиф этади...».
11.00 Кундузги сеанс. «Муз набира». Бадиий фильм.
12.10 «Пилигрим». Россия саёҳатлар клуби.
13.05 Мульти-пульти.
13.15 «Қандай яшаймиз?».
14.00 «Шарман-шоу».
15.30 «Плюс ўн бир» видеоканали.
16.45 «Дрезден. Уч саҳифа». Телефильм.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Пепси» стилида мусиқа».

*

19.20—21.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Околесица» қаҳвахонаси.
22.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
22.50 «Экзотика».
23.50 Эълонлар.
00.05 «И-2» таништиради: «Корочка», «Сас», «3, 2, 1» ҳамда «Узоқ давом этган бахтли ҳаёт». Бадиий фильм.

Якшанба, 24. V

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
9.00 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
10.40 «Сув — ҳаёт мезони».
11.25 «Халқ севган достонлар».
12.05 Тижорат канали. Самарқанд вилояти Иштихон тумани «Роҳат» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
12.35 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров ижодий кечаси.

* * *

17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Нефтчи» (Фарғона). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — бильярд ўйини.
18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Мультпанорама».
19.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.00 «Қимматга тушган ҳаловат». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—12.30 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади: «Қирғизча сўзлашишни ўрганамиз», «Бобок, сенин жомогун», «Дебют», «Кулку-92 фестивали», «Силер билесиннербі», «Тиғиз пайт». Болалар учун бадиий фильм, мультфильм...

* * *

17.05 «Бойқуш», «Фаррух ва Зумрад». Мультфильмлар.
17.30 «Айтиш». Оқинларнинг республика телетанлови. Ғолиблар мусобақаси.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 Телефильм.
19.00 «Айтиш» (давоми).
21.00 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV»
I канал
Останкино

6.00 «Руҳни чиниқтириш».
7.00 Кўрсатувлар тартиби.
7.05 Ритмик гимнастика.
7.35 «Қизча ва фил». Мультфильм.
7.55 «Спортлото» тиражи.
8.05 «Эрта саҳарлаб».
8.45 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.15 Янги номлар.
9.50 «Уз-ўзингга мадад бер».
10.30 «Ау амаки». Мультфильм.
10.55 Славян ёзувлари ва маданияти байрами. Кремлнинг Успенский соборидан олиб кўрсатилади.
11.40 «Марафон-15».
12.30 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
13.55 Кўрсатувлар тартиби.

*

14.00 Янгиликлар.
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.10 «У ерда кимі». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси («Союзтелефильм»).
15.30 «Уолт Дисней таништиради...»
16.20 «Эфирда бевосита мулоқот».
17.00 «Панорама».
17.40 Кўрсатувлар тартиби.

*

17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 «Ким биз билані». 13-кўрсатув.
18.20 «Телелоция».
18.40 «Кимоно-шоу».
19.25 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Чернов, Снерноҳ». Бадиий фильм («Мосфильм» Испания иштирокида суратга олинган).

*

21.00 «Якунлар».
21.45 Шоир Борис Дубровин ижодий кечаси.
22.55 «Мўътабар». Ҳужжатли фильм. «Манбалар» туркумидан.
23.45 Славян ёзувлари ва маданияти байрами. Кремль Съездлар саройида тантанали концерт.

● «ДУБЛЬ IV»
«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 «Янги номлар». Халқаро хайрия кўрсатуви таништирилади (Нижний Новгород).
8.20 Ҳужжатли панорама. Самара кинохроника студияси режиссёри Б. Свойскийнинг «Қариялар», «Ғалати авлод» ҳужжатли фильмлари ретроспективаси.
9.20 «Хоҳ ишонинг...».
9.50 «Суперкитоб». Мультфильм. 13-серия.
10.15 «Ати-бати...».
10.45 Петербург афсонаси. «Наполеонлар уйи».
11.25 Россия қобусномаси. «Лосев уйи» — рус фалсафий тафаккури тарихи марказининг очилиши.
11.55 Вариацияли мавзу.
12.45 Славян ёзуви ва маданияти байрами.

*

13.45—15.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

15.30 «Мегаполис».
16.00 «Ҳайвонот оламида».
17.00 Хабарлар.

*

17.20—19.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

19.30 «Афсунгарлар». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 12-серия.
20.00 «Рок-кафе».
20,30 «Сафсаталар».
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Экспомарказ» таништиради...».
21.30 «Муқаддима». Бадиий фильм.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 15 май сонидан олинди.

ЯНҒИ ТАШКИЛОТ

Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларининг ҳуқуқларини ҳимоя ва муҳофаза қилиш ассоциациясининг ҳамда бир гуруҳ ишбилармонларнинг ташаббуси билан вилоят ҳамда шаҳар тадбиркорларининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис аҳлининг якдиллик билан қабул қилган қарорига биноан ассоциациянинг Тошкент вилояти ва шаҳри бўйича бирлашмаси ташкил этилди, унинг низоми тасдиқланди ва раҳбар органлари сайланди.

Бирлашманинг ранси этиб Ҳайдар Яҳёев, ранс ўринбосарлари этиб Иброҳим Расўлов, Ринат Бекбулатовлар сайланди.

Бирлашма тадбиркорлик ҳаракатини кенг ёйиш ҳамда ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади.

Пойтахтдаги шарқшунослик олий билимгоҳида уйғуршунослик бўлими фаолият кўрсатмоқда. Бўлим ўтган йилнинг октябрь ойида очилган эди. Айни пайтда Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан ҳамда Андижон, Тошкент вилоятларидан 36 нафар талаба таҳсил олмоқда.

СУРАТДА: уйғуршунослик бўлими ўқитувчилари кафедра мудири Сроил Розбақиев (ўртада), Тошмуҳаммад Ннёзов, Исроил Исмонловлар талабалар даврасида.

Суратчи А. МАМАДАМИНОВ.

● Бу қизиқ!

98 ЁШИДА... ЭГИЗАК

● ИККИ гўзал эгизакни туққан энг кекса она Туркия пойтахти — Анқарада яшайди. У 98 ёшга тўлганида бир кўзи ёришида бир ўғил ва бир қизни дунёга келтирди. Бу энг кекса онанинг ёстиқдоши шу вақтга келиб 123 баҳорни кўрган эди.

Туғилган кунлари битта

● ИТАЛИЯДА ҳамма болалар бир кунда — 6 майда туғилган оила бор. Албатта, улар турли йилларда — 1970, 1974, 1976 ва 1978 йилда таваллуд топишган.

ЭНГ ЕНГИЛ ЧАҚАЛОҚ

● ЖАҲОНДА энг «енгил» вазнда туғилган бола помлик қиз бўлиб, у 1932 йилда туғилган эди. Унинг туғилган вақтидаги оғирлиги бор йўғи 283 грамм бўлган.

«ҚИБРАЙ»— ШИФОБАХШ ОРОМГОҲ

Бу сўлим масканнинг манзрасини батафсил тасвир этиш мушкул. Анвойи гуллар хушбўй ҳид таратиб турган хиёбонлар, кўм-кўк арчалар, мевазорлар, узумбоғлар — ҳамма-ҳаммаси дам олувчилар кайфиятини кўтариб, инсон саломатлигига саломатлик қўшиш учун хизмат қилади. Ёз фаслида салобатли чойхона кўрки яна ҳам очилиб, мармар ҳовузлардаги сувлар жилоси ҳам ўзгача файз бағишлайди.

Бу жойда дам олувчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Шифокорлар, ҳамширалар улар устида парвона. Шу даргоҳда ҳордиқ чиқарар эканман, эътиборимни тортган кўпгина ибратли ишларни кўрдим. Оромгоҳда дам олувчиларни тўрт маҳал сифатли овқат билан таъминлашдан ташқари, уларга маънавий озиқ бағишлашга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Даволанувчилар учун игна билан шифо бахш этиш, ховуз, жисмоний тарбия заллари, сауна, иссиқ ҳароратли катта мармар, балчиқ билан муолажа этиш хоналари мавжуд.

Кекса, таниқли санъаткор Ҳаким Нишонов шифохонадаги маданий-маърифий ишларга бош-қош экан. Биз бу ерда турли фильмларни кўриб ҳордиқ чиқаришдан ташқари, Ўзбекистонда машҳур санъаткорлар, бастакорлар, хонандалар билан учрашдик. Шоирлар, ёзувчилар билан мулоқот давраларининг гувоҳи бўлдик. Хусусан шоир Тўлаган Низом, адабиётшунос олим Исмоил Мирза, санъатшунос олим Малик Муродовлар билан ўтган учрашув дам олувчиларда катта таассурот қолдирди. Бу даврага мен ҳам озми-кўпми ҳисса қўшдим. Ҳордиқ чиқарувчилар Мовароуннаҳр мусулмонлари идорасининг халқаро бўлим мудири, ҳурматли Абдулло Исмоил суҳбатини ҳам тингладилар.

Оромгоҳда Ўзбекистон халқ артисти — бастакор Мутал Бурҳонов, Ўзбекистон теле-радио эшиттириш компанияси қошидаги Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси, унинг бадиий раҳбари Ботир Умиджонов ва бошқа қатор бастакор, санъаткорлар ҳам гурунглар ўтказдилар.

Хулоса қилиб айтганда, «Қибрай» оромгоҳи дам олувчиларга сиҳатлик ва ором бахш этувчи маскан экан.

М. ЖАББОРОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

СПИД ВА ҚАҲВАХОНА

Бундан уч йил муқаддам Амстердамда СПИД билан оғриганлар учун биринчи қаҳвахона очилди. Ҳозирги вақтда Голландияда бундай касалликка мубтало бўлган кишилар сони бир минг етти юз нафардан ҳам ошиб кетди. Яна ўн—йигирма минг нафар нидерландиялик конида унинг вируслари бор, бироқ бундай кишилар ҳозирча соғлом ҳисобланади. Худди шундай қаҳвахоналар Варшава ва Берлинда ҳам ишлаб турипти. Бундай қаҳвахоналарнинг бўлишидан мақсад ҳозир тузатиб бўлмас касаллик билан оғриганларни яккалаб қўйиш бўлмай, балки улар учун ўзаро мулоқот, суҳбатда бўлиш учун имконият яратиб бериш, маънавий қўллаб-қувватлашдир.

ҚАМОҚХОНАЛАР ЕТИШМАГАЧ...

Нью-Йоркда камоқхоналар етишмайди. Шу сабабли Фолкленд зиддиёти вақтида аскарларни ташиган иккита инглиз транспорт кемаси ва иккита собиқ солни қамоқхона қилиб, қайта ускуналашга мажбур бўлинди. Сузиб юрувчи қамоқхоналар шаҳар портида туради.

Умуман АҚШ бўйича ҳам камоқхоналар етишмаяпти. Бунинг окибатида қамалган ўн тўрт минг жиноятчи ўз муддатини уйда «электрон назоратчи» остида ўтказмоқда. Бундай кичик аппарат маҳбуслар қийимига ёки тўпиғига осиб қўйилади, агар маҳбус уйдан чиқмоқчи бўлса шов-шув кўтаради.

РАССОМ ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

Айрим идора ходимларининг кундалик «иш фаолияти»дан.

— Кўзим чиқсин сени кўргунча бундоқ...

А. Ҳакимов ва Ш. Субҳонов чизган расмлар.

Барака топишсин

Суяк сили касалига чалинганимга ўн йилга яқинлашди. Бу орада не-не азобларни кўрмадим дейсиз. Врачлар барака топишсин. Тошкент районидаги шу дард бўйича ихтисослашган касалхона нажоткорлари жонимга оро киришди. А. Сандов, Л. Лабзоил каби дўхтирлар устимда парвона бўлишди. Оёққа турган кезларим — 1989 йилда бир хўрликка дуч келдим. Буни сизларга айтиб ўтирмайман. Яхшиям инсофли одамлар бор экан, жигарбандларим хабар олишмаган бўлса-да, вилоят ижтимоий таъминот бўлимидагилар арзимни тинглаб, мени Оҳангарондаги қариялар уйига жойлаштиришди. Бу ерда биз кексалар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Ташкилот директори Эргаш Оқилов кўнглимизни ҳамиша кўтаради. У бор имкониятлардан фойдаланиб, таъминотни ҳам ўрнига қўймоқда. Биз Ўғилой Алиева, Мовлуда Ботировадек меҳрибон шифокорлар, Ҳалима Абдухонова, Замира Бурҳонова, Сора Қобилова каби ҳамширалар хизматидан ҳам мамнунмиз. Уларга чин дилдан раҳмат деймиз.

А. ХАИТОВ,
Улуғ Ватан уруши II гуруҳ ногиронн.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — Г 131. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.50. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12